

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

12.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

Bosh muharrirdotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY‘ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek , tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir , tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, BOBOJONOV Bozorboy , fizika-matematika fanlari doktori, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangriborgan , iqtisod fanlari doktori, professor, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar , fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior , fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul , filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas‘ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa‘dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna , filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna , pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat , fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2020 12(162)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Davlat xizmatlari agentligi Xorazm viloyat boshqarmasi Urganch shahar Davlat xizmatlari markazida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan.
GUVOHNOMA № 1131.

Ҳидоятнинг “Равзат ус-сафойи Носирӣ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсинӣ”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдат ул-ҳикоёт”, “Шарҳи далоил ал-хайрот”, Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳ ва гадо”, Низомийнинг “Ҳафт пайкар” каби бадий, тарихий ва ахлоқий-фалсафий асарлардир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, XIX аср Хоразм адабий муҳитини, унинг етакчи тамойилларини Огаҳий ижодисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, жонли жараёндаги кўтарилиш, хусусан, шеърятдаги мазмуний-бадий юксакликни ҳам тўла англаш имконсиздир.

Давр адабий-маданий муҳитидаги бадий ижоднинг тарихнавислик, таржимашунослик ва адабий-илмий қарашлар йўналишлари Огаҳий номи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар кўп қирраликни вужудга келтирган ва уларнинг ҳар бирига жанр табиатига кўра муаллиф санъаткори сингдириб юборилган.

**Амонов Шермуҳаммад Нормуротович (филология фанлари номзоди,
Алишер Навоий номидаги Тошкент Ўзбек тили ва адабиёти университети, mail: sher8181@list.ru)
АҲМАД ТАБИБИЙНИНГ ОГАҲИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА ЁЗГАН МУҲАММАСЛАРИ**

***Аннотация.** Аҳмад Табибий нафақат Хоразм адабий муҳитининг, балки ўзбек адабий ҳаракатининг пешқадам вакилларида биридир. У ўздан салмоқли адабий мерос қолдирган. Табибий шоир сифатида беш шеърӣ девон тартиб бериб, мумтоз адабий анъаналарни муносиб давом эттирган.*

***Аннотация.** Ахмад Табиби – один из известных писателей, внесших огромный вклад в развитие не только Хивинской литературной среды, но и узбекской литературы. Он оставил огромное литературное наследие. Табиби создал пять диванов стихов, он продолжил классическую литературную традицию.*

***Annotation.** Akhmad Tabibi is one of the famous writers who have made a huge contribution to the development of not only the Khiva literary heritage. Tabibi created five divans of verses, he continued the classical literary tradition.*

***Калим сўзлар:** Аҳмад Табибий, Огаҳӣ, кўлёмза, шоир, девон, “Мунис ул-ушишак”, “Хайрат ул-ушишак”, газал, мухаммас, манба, матн.*

***Ключевые слова:** Ахмад Табиби, Огахи, рукопись, поэт, диван, “Мунис ул-ушишак”, “Хайрат ул-ушишак”, газел, мухаммас, источник, текст.*

***Key words:** Akhmad Tabibi, Agahi, manuscript, poet, divan, “Munis ul-ushshak”, “Khay-rat ul-oshikin”, gazelle, mukhammas, source, text.*

Муҳаммад Ризо Огаҳий мутахассислар эътироф этганидек, миллий адабиётимиз тарихида ҳазрат Алишер Навоийдан кейинги энг сермаҳсул ижодкор ҳисобланади. Бу, аввало, шоирнинг мумтоз адабий анъаналарни ҳам шаклан, ҳам мазмунан муносиб давом эттириш баробарида, янги жанрларда қалам тебратганида кўринса, иккинчидан, Огаҳий ўздан кейин бир гуруҳ ижодкорларнинг етишиб чиқиши ва уларнинг адабий соҳа ривожига улкан муваффақиятларига ўз ҳиссасини кўшгани билан изоҳланади. Шунингдек, шоир лирик асарлари мумтоз шеърятимиз ифода имкониятларини яна-да кенгайтиргани билан кадрли бўлса, унинг бетакрор бадий-тарихий насри ҳамда кўплаб таржималари адабий меросимизнинг қимматли дурдоналари ҳисобланади.

XIX аср охири–XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити ҳақида гап кетганда, асосан, Ферузнинг маданият ва санъат ҳомийси сифатида бадий ижодга катта эътибор қаратгани ҳақида фикр билдирилади. Бу айни ҳақиқат. Айниқса, Феруз раҳнамолигида ўша даврда мумтоз адабий асарларнинг қайтадан кўчирилиши, уларнинг айримлари китобат ҳолида нашр қилиниши, шунинг баробарида, кўплаб форс-тожик тилидаги дурдона асарларнинг таржима қилиниши йирик адабий марказнинг майдонга келишига замин бўлди. Бир томондан, Ферузнинг илм ва ижод аҳллари бир адабий муҳитда бирлаштириши, уларнинг шоҳ ва шоир талабига кўра, бадий ижод билан мунтазам шуғулланганликларини адабий ҳаёт жадаллашувининг омили сифатида кўрсатиш мумкин. Бошқа томондан қараганда, бу давр ижодкорларнинг тарихнавислик, мумтоз шеърят, таржимонлик соҳаларидаги муваффақиятлари Муҳаммад Ризо Огаҳийдек забардаст сўз санъаткори номи билан боғлиқ. Дарҳақиқат, бу адабий ҳаракатчиликнинг қарвонбошиси сифатида Огаҳий ва унинг мероси ўздан кейинги хивалик қалам аҳллари учун чинакам бадий ижод мактаб вазифасини ўтаб берди. Айнан Огаҳийдек мутафаккир шоирнинг бадий маҳорати кўплаб ёш сўз санъ-

аткорлари ижодини ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитди. Таъкидланганидек, бу даврда Хоразмда кўплаб ижодкорлар етишиб чиқди. Бу эса сўз санъати ривожига жиддий таъсир этди. Бу ҳол, аввало, шоирлар ижодига адабий таъсирнинг кучайганида сезилса, иккинчидан, уларнинг чинакам истеъдодли вакиллари янги-янги ижодий кашфиётлар қилишга ҳаракат қилишди. Тўғри, бу даврдаги манбаларни тадқиқ этиш натижалари айрим шоирлар ижоди ҳам шаклан, ҳам мазмунан юксак бадий даражада эмаслигини, уларнинг “тақлидчи” ижодкор сифатида қолганини кўрсатади. Эҳтимол, шундан бўлса керак, Феруз даври ижодкорлари адабий мероси тўлиқ тадқиқ этилаётгани йўқ. Аммо бу давр Хоразм адабий муҳитининг ҳаёти ва адабий мероси ўрганилиши зарур бўлган кўплаб соҳиби девон ижодкорлари мавжуд. Бу борадаги изланишларни давом эттирилиши ҳар қачонгидан муҳим. Қолаверса, собиқ тузум даврида амалга оширилган тадқиқотларни ҳам қайтадан, аввало, аслиятга мос матнларини нашр эттириш, шундан сўнг, уларни таҳлил ва талқин қилишга эҳтиёж бор. Бу эса миллий матншунослигимиз ва адабиётшунослигимиз олдида турган вазифалардандир.

XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитидаги лирик асарлар жамланган манбаларни кузатар эканмиз, ҳар бир шоир ўз шеърларини улуғ сўз санъаткори Муҳаммад Ризо Огаҳийга ўхшатмалар билан бошлагани гувоҳи бўламиз. Огаҳийдек мутафаккир шоир ижод намуналари билан яқиндан танишиб, уни ўзининг маънавий устози деб билган ана шундай ижодкорлардан бири – Аҳмаджон Али Муҳаммад ўғли Табибийдир.

Кўплаб замондош ижодкорлар сингари Аҳмад Табибий ҳам Огаҳийни ўз устози деб билган, унинг ижодига ҳурмат билан қараган, шоир ижодидан таъсирланган. Табибий ижодий меросини кузатар эканмиз, шоирнинг Огаҳий ижодига ихлосманд бўлгани яққол намоён бўлади. Бу ҳол, аynиқса, Табибий девонларининг тузилишида, ўхшаш жанрлардаги лирик асарларнинг ижод этилишида ёрқин намоён бўлади. Табибий ҳам Огаҳий ижод қилган деярли барча жанрларда қалам тебратган ва буни муваффақиятли удалаганини таъкидлаш керак.

Аҳмад Табибийнинг ўзи келтирган маълумотга кўра, у умрининг сўнгги йилларида беш девон тартиб берган. Жумладан, Табибий ўзининг “Мунис ул-ушшоқ” девони дебocasида қуйидаги маълумотни келтиради:

“Махфий қолмасинким, бу фақир қўлида жамъ бўлгон мудаваан китобнинг жумласи беш девондурким, уч девон туркий лафзи била фасоҳатородур ва икки китоб форсий алфози била балоғат пайровдир. Аввалги девонғаким султони олийжоҳ жаноби муъалло ал қобиға ҳадялиғ сабабидин “Тухфат ус-султон” деб тасмия қилинди. Ва иккинчи девонға ушшоқ унсияти жиҳатидин исми била мусаммо бўлди. Ва учланчи девонға ишқ ҳолотин муъояна кўргузгувчи ваҳидин “Миръот ул-ишқ” оти била мавсум этулди. Тўртланчи девонға ошиқлар ўқуб мутолаа қилур хангомларида ҳайратфазолиғ мавжуби била “Ҳайрат ул-ушшоқ” деб исм берилди. Бешланчи девонни бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлгон боиси била “Мазҳар ул-иштиёқ” деб аталди”.¹

Бу девонларн “Мунис ул-ушшоқ”нинг айримлари тошбосмада ҳам чоп этилган. Шоир девонларининг тўлиқ матний тадқиқи амалга оширилмаган эсада, Табибий лирик асарларининг айримлари шаклан ва мазмунан Огаҳий асарларига ўхшатмалар тарзида ёзилганини кузатиш мумкин. Аҳмад Табибий ижодини махсус тадқиқ этган адабиётшунос олим Ф.Ғанихўжаевнинг таъкидлашича, Табибий хоразмлик шоирлардан Нишотийга 1 та, Мунисга 8 та, Огаҳийга 12 та, Комилга 2 та, Авазга 2 та, Рожийга 5 та, Мирзога 2 та, Дойи ва Ниёзийга 3 тадан мухаммас боғлаган. Шунингдек, шоир Навоийнинг 20 дан ортиқ ғазалига мухаммас боғлаган.² Бироқ Табибий ижодининг тадқиқи бу маълумотларга аниқлик киритишни талаб этади.

Табибийнинг Огаҳий ғазаларига боғлаган 8 та мухаммаси шоирнинг “Мунис ул-ушшоқ” девонидан ўрин олган. Ушбу девоннинг ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар асосий фондида иккита қўлёзманусхаси бўлиб, уларнинг бири 6226, иккинчиси 3461-инвентар рақами остида сақланади. Девоннинг 6226-рақамли нусхаси мукамал бўлиб, у чиройли ҳуснихат билан кўчирилган. Мукова қора рангда бўлиб, девон муковаси унвонланган. Ушбу манба 1^б-саҳифасидан “Дебочаи Табибий” бошланиб, 9^а-саҳифада тугайди. 10^б-саҳифада қизил сиёҳда “Девони Табибийи туркий мусаммо ба Мунис ул-ушшоқ” деб сарлавҳа қўйилган. Сўнг пастда “бирланчи сафҳа” ва “Бисмиллохир-Раҳмонир-Раҳим” деган ёзувлар бор. Сўнг ғазаллар рақамланган ҳолда (қизил сиёҳ би-

¹ ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. 2662-инвентар рақамли қўлёзма, 8989-инвентар рақамли тошбосма.

² Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. Тошкент, “Фан”, 1978, 31-бет.

лан) келтирилади. Ғазаллар 170^a-саҳифадаги 607-рақамли шеър билан, яъни:

*Баҳоросо жамолинг то намоён ўлди гулзори,
Онинг юз иштиёқ шавқ бирла бўлди гулзори, –*

матлаъи билан бошланувчи ғазал билан якунланади. 175^a-саҳифадан шоирлар ғазалларига боғланган мухаммаслар бошланади. Девонда Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий, Феруз, Амир, Султоний каби ижодкорлар ғазалларига боғланган 28 та мухаммас мавжуд. Биринчи мухамма “мухаммаси Табибий ғазали Огаҳий” деган сарлавҳа билан келади. Учинчи, тўртинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ва сўнгги йигирма саккизинчи муаммаслар Огаҳий ғазалларига боғланган тахмислардир.

Қўринадики, Табибийнинг ушбу девондаги мухаммасларининг биринчиси ҳам, охиригиси ҳам Огаҳий ғазалларига боғланган. Бундан ташқари, шоирнинг кўплаб ғазаллари ҳам Огаҳий ли-рик асарларига шаклан ва мазмунан ўхшатмалар тарзида ёзилганки, бу ҳол Табибий Огаҳий ижо-дига алоҳида ҳурмат билан қараганини кўрсатади.

Аҳмад Табибий “Мунис ул-ушшоқ” девонидаги биринчи мухаммас Огаҳий “Таъвиз ул-ошикин” девони нашр нусхасида “Айшу тараб пайдо”,¹ деб сарлавҳаланган:

*Зиҳи жонларга васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Ғаҳи дарду фироқинг хавфидин ранжи таъб пайдо, –*

матлаъи билан бошланиб,

*Не тонг огоҳ бўлса Огаҳий шиқинг сиридинким,
Анга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо, –*

мақтаъи билан тугайдиган 9 байтли илк ғазалга боғланган. Мухаммас Огаҳий ғазали вазнида ёзилган ва унинг биринчи банди:

*Илоҳи дегали ҳамдингни тилларга адаб пайдо,
Хаёлингдин бўлуб доим кўнгулларга ҳасаб пайдо,
Эрур кўзларга дийдоринг қўрарга қўб рағаб пайдо,
Зиҳи жонларга васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Ғаҳи дарду фироқинг хавфидин ранжи таъаб пайдо,² –*

деб бошланса, мухаммаснинг охириги банди:

*Табибийдек бўлуб ганжи қаноат ичра сокинким,
Ики олам аро коми бўлуб маҳсул мумкинким,
Даме ҳамди сипосингни демакдин бўлмай эминким,
Не тонг огоҳ бўлса Огаҳий шиқинг сиридинким,
Анга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо,*

тарзида якунланади.

Қўринадики, Табибий Огаҳий девонининг биринчи асариниёқ четлаб ўтолмасдан, ҳамд мазмунидаги ғазалига шу мазмундаги мухаммас боғлаган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Табибийнинг биз фикр юритаётган девони иккинчи ва учинчи ғазаллари ҳам айнан “пайдо” радифида ёзилган. Табибий “Мунис ул-ушшоқ” девони иккинчи ғазали:

*Табибий нутқини, ё Раб, анингдек айлаким доим,
Жаҳон ичра анго сўз аҳли қилсунлар ҳасад пайдо,³ –*

мақтаъси билан якунланса, учинчи ғазал куйидаги:

*Зиҳи бор қудратинг осоридин кавну макон пайдо,
Наботу ҳам, жамоду ҳам, жамъи инсу жон пайдо, –*

матлаъли ўхшатма ғазалдир. Қўринадики, ғазаллар ҳам Огаҳий ғазали ёзилган арузнинг ҳазажи мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун) вазнида ёзилган. Ҳатто Табибий девонидаги учинчи ғазалнинг бошланишиёқ, Огаҳий ғазалини бевосита ёдга солади, яъни иккала ғазал ҳам “зиҳи” сўзи билан бошланади.

Табибий девонидаги бошқа мухаммаслар Огаҳийнинг “Эй, қилиб Тангри карам рутбаи Меърож санго” (6262-қўлёзма, 176^b-саҳифа), “Ассалом, эй подшоҳи маснади мулки худо” (6262-қўл-

¹ Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик, 1-жилд, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Т., 1971, 51-бет.

² ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. 2662-инвентар рақамли қўлёзма, 175^a-саҳифа, 3461-рақамли қўлёзма, 135^a-саҳифа.

³ ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. 2662-инвентар рақамли қўлёзма, 11^a-саҳифа. 3461- рақамли қўлёзма, 1^b-2^a-саҳифалар.

ёзма, 176^б-саҳифа), “Эй вужудингга келиб вобастаи имкон вужуб” (6262-қўлёзма, 179^б-саҳифа), “Ё Раб, ул хилватга ушшоқ аҳлидур маҳрам онго” (6262-қўлёзма, 180^б-саҳифа), “Даҳр базми айши андуҳ ғамига орзимас” (6262-қўлёзма, 181^б-саҳифа), “Мани эл ихтилотига гирифтор этмагил, ё Раб” (6262-қўлёзма, 182^б-саҳифа), “Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг” (6262-қўлёзма, 194^б-саҳифа) деб бошланувчи ғазалларига боғланган. Таъкидланганидек, мухаммасларнинг охиригки саккизинчиси Огаҳийнинг:

Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг,

Ким бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг, –
матлаъи билан бошланувчи ғазалига боғланган. Жумладан, Табибий мухаммаснинг биринчи банди:

Бўлди кўзумга жилвагар базм ичра то қошу кўзунг,

Қилди мани ошуфтаи зори гадо қошу кўзунг,

Мундоқки кўрганга эрур ҳайрат қаро қошу кўзунг,

Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг,

Ким бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг, –

деб бошланса, мухаммаснинг охиригки банди:

Шаҳди лабингим бордурур лутфу ҳаловат маъдани,

Эмди тараҳҳум кўргузуб эй ишҳларнинг пурфани,

Шавқида тинмайду Табибосо фигони шевани,

Ширин лабингдин Огаҳий ҳуснига жон бергим они,

Ўлтурди бир имо қилиб боқғоч қиё қошу кўзинг, –

тарзида яқунланади.

Огаҳийнинг “қошу кўзунг” радифли ғазалига Аҳмад Табибийдан ташқари, Мутриб Хонахароб ҳам мухаммас боғлаган. Негадир, Мутриб ғазалнинг етти байтига мухаммас боғлаган. Мутрибнинг мазкур мухаммаси етти банд бўлиб, ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар асосий фондида 1134-инвентар рақамли “Мажмуаи мухаммасоти ашшуарои Ферузшоҳий”да кўчирилган. Бу мухаммас куйидагича бошланади:

Бир гамзада солди манго сонсиз яро қошу кўзунг,

Жону дилимга еткурур минг можаро қошу кўзунг,

Ман хастадин ё топдиму журму хато қошу кўзунг,

Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг,

Ким бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг.¹

Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаш керакки, XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити вакилларининг деярли барчаси Огаҳий ғазалларига ўхшатмалар ёзишган, мухаммаслар боғлаган.

Табибийнинг Огаҳий ғазалларига боғлаган мухаммас шеърлари шоирнинг “Ҳайрат ул-ушшоқ” девонидан ҳам ўрин олган. Ушбу девоннинг ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар асосий фондида ҳозирча битта қўлёзма нусхаси сақланади. Унинг сақланиш рақами 3460. Ушбу қўлёзма манба қалин мошранг муковада бўлиб, муқовалар унвонланган. Қўлёзманинг 1^б-саҳифаси ўртасида “Иккиланчи девони Табибий туркий мусаммо баҳайрат ул-ошиқин” деб кизил сиёҳда ёзилган. Сўнг қора сиёҳда “Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим” деб ёзилиб, Табибийнинг “Ҳайрат ул-ушшоқ” девонидаги лирик асарлари кўчирилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида Аҳмад Табибий “Мунис ул-ушшоқ” девонининг иккита мукамал қўлёзмаси мавжуд. Фонддаги манбаларни ўрганиш натижалари шоир “Ҳайрат ул-ушшоқ” девонининг ягона тўлиқ қўлёзмаси 3460-инвентар рақамли қўлёзма экани аён бўлди. Шу жиҳатдан ушбу манба қимматли ҳисобланади.

Табибийнинг ушбу девони 143^а-саҳифасидан шоирнинг бошқа ижодкорлар лирик асарларига боғлаган мухаммаслари бошланади. Эътиборлиси, бу манбада Табибийнинг 50 дан ортик шоирлар ғазалларига ёзган мухаммаслари бор. Айниқса, Табибийнинг Лутфий, Навоий, Ҳусайний, Нишотий, Хатойй, Муҳибий каби таниш шоирлар қаторида Улвий, Афсус, Нафъий, Ноилий, Моҳир ва бошқа кўплаб нотаниш шоирлар шеърларига ёзган мухаммаслари бор.

Айнан Табибийнинг иккинчи туркий девонидаги биринчи мухаммас ҳам Огаҳий ғазалига ёзилган. Шоирнинг биринчи девонида бўлмиш “Мунис ул-ушшоқ” девонидаги биринчи мухаммас

¹ ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар асосий фондида 1134-инвентар рақамли қўлёзма, 129^{аб}-саҳифалар.

ҳам Огаҳий “Таъвиз ул-ошиқин” девони нашр нусхасида “Айшу тараб пайдо” деб сарлавҳаланган:¹

*Зиҳи жонларга васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Гаҳи дарду фироқинг хавфидин ранжи таъб пайдо,* –

матлаъи билан бошланиб:

*Не тонг огоҳ бўлса Огаҳий ишқинг сиридинким,
Анга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо,* –

мақтаъи билан тугайдиган 9 байтли илк ғазалга боғланган.²

Табибийнинг ушбу иккинчи туркий девонидаги илк мухаммас Огаҳийнинг:

*Эй жони гамгин муждаким, бу кеча жононинг келур,
Ғунча даҳону гулбадан сарви хиромонинг келур,*³ –

матлаъли ғазалига боғланган. Маълумки, ушбу лирик асар Огаҳий бадий маҳоратининг юксак намунаси ҳисобланади. Зулкофиятайн усулидаги бу ғазал арузнинг ражази мусаммани солим (мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун) вазнида ёзилган. Табибий мухаммасининг биринчи банди:

*Пуру нур бўл, эй тийра кўз, хуришиди рухсоринг келур,
Хурсанд бўл, эй хаста дил, дардинга дармонинг келур,
Эй жисм, топ осудалиг шўҳи суҳандонинг келур,
Эй жони гамгин муждаким, бу кеча жононинг келур,
Ғунча даҳону гулбадан сарви хиромонинг келур,* –

деб бошланади.

Шу ўринда, Табибийнинг иккинчи туркий девонидаги (“Ҳайрат ул-ушшоқ”–Ш.А.) илк мухаммас ҳам Огаҳий ғазалига боғланганини таъкидлаш керак. Огаҳийнинг ушбу ғазали 9 байт бўлгани ҳолда, Табибийнинг ушбу мухаммаси ҳажми 7 бандни ташкил этади. Негадир, Табибий Огаҳий ғазалининг иккинчи ва еттинчи байтларига жавоб ёзмаган.

Бундан ташқари, девондаги Огаҳий ғазалига ёзилган яна бир мухаммас:

*Ҳар кимса кўрса шавқ ила бир йўл мусаффо оразинг,
Қилгуси ишқингда они, албатта, шайдо оразинг,
Хуснингга айлаб тозадин хўблиг хувайдо оразинг,
Жонбахш лаълинг узра то хат қилди пайдо оразинг,
Жамъ айлади хуришид уза Хизру Масиҳо оразинг,* –
тарзида бошланади. Бу мухаммас Огаҳийнинг:
*Жонбахш лаълинг узра то хат қилди пайдо оразинг,
Жамъ айлади хуришид уза Хизру Масиҳо оразинг,*⁴ –

матлаъи билан бошланувчи 9 байтли ғазалига ёзилган. Бу мухаммаслар ишқий мавзуда ёзилган бўлиб, негадир, Огаҳийнинг ушбу ғазалининг ҳам етти байтига Табибий мухаммас боғлаган.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, Огаҳий ғазаллари нашр варианты билан Табибий мухаммаси матни киёсланганда, улар орасида айрим маний тафовутлар кузатилди. Бу тафовутлар сўзлар таркибининг ўзгариши ва айрим сўзларнинг ўзгачалиги билан боғлиқ. Бундан, Огаҳий лирик асарларининг аслият ва нашр вариантларини ҳам бошқатдан, матншунослик нуқтаи назаридан амалга ошириш керакдир, деган мулоҳазага келиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Табибий ҳам Огаҳий сингари бадий мукамал асарлар яра-тишга ҳаракат қилган. Шунингдек, шоир ўз асарларини мутафаккир шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий асарларида илгари сурилган ҳақиқат ва адолат, инсонпарварлик ғоялари билан ҳамоҳанг яратди. Ҳазрат Алишер Навоидан сўнг Огаҳий ижодий мероси нафақат, Хоразм адабий муҳити вакиллари, балки ўзидан кейинги барча қалам аҳллари ижоди камолотида ҳам қучли таъсир кўрсатди. Улар Огаҳийга ўхшаб ижод қилишга ҳаракат қилдилар. Бу эса, ўз навбатида, миллий адабиётимизнинг ривожига ҳам ижобий таъсир этди. Юқоридаги мисоллар эса Аҳмад Табибийнинг улуғ мутафаккир ижодига нақадар ихлосманд бўлгани, Огаҳий асарларидаги барҳаёт инсонпарварлик ғояларидан нечоғли таъсирланганини кўрсатади.

¹ Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик, 1-жилд. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Т., 1971, 51-бет.

² Амонов Ш. Огаҳий – шоир, муаррих, таржимон (илмий-назарий анжуман материаллари). Урганч, 2019, 16 – 17 декабрь, 128 – 132-бетлар.

³ Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик, 1 жилд, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Т., 1971, 187-бет.

⁴ Шу манба. 295-бет.

